



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**QASHQADARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**QARORI**

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi, 1-uy. Faks: (+99875)221-12-88, [qashqadaryo@exat.uz](mailto:qashqadaryo@exat.uz)

2021 йил «29» март

82-4-0-Q/21

Қашқадарё вилояти ҳокимияти

**Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини белгилаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят Молия бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси таклифлари асосида Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси Молия бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари билан биргаликда:

бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатилган хизматлар қийматининг ундирилиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатсин;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахсларни аниқлаш ҳамда уларни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга кўйишни таъминласин;

бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг автоматлаштирилган банк тизимлари орқали тўлиқ тушиши мақсадида ҳар куни битта бозор ва савдо комплексида савдо жойларининг сотувчилар билан тўлиқ бандлиги кузатиб борсин ва ҳисоб-китоб қилсин;

бозорлар ва савдо комплексларининг тушумлари камайган ҳолларда давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан нақд пул тушуми тушишининг хронометражи ташкил этсин, тушумларнинг пасайиб кетиши сабаблари аниқласин ва қўшимча маблағлар тушумлари бўйича зарур чоралар кўрсин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ўз ҳудудларидаги бозорлар ва савдо комплекслари

маъмуриятлари томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини тўлиқ ундирилиши ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтирсинлар.

4. Вилоят бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси (Игамбердиев), вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқлаб берилган даромад олиш режаси прогноз кўрсаткичларини икки ой давомида кетма-кет бажармаган тақдирда туман, шаҳар бозорлар раҳбарлари лавозимидан озод қилишга қадар чора кўриш топширилсин.

5. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 мартдаги НQ-219/03-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор “Қашқадарё” ва “Новости Кашкадарь” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг [qashqadaryo.uz](http://qashqadaryo.uz) расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари У.Бутаев зиммасига юклатилсин.

**Қашқадарё вилояти ҳокими**



**Мирзаев З. Т.**

Қашқадарё вилоят ҳокимининг  
2021 йил

\_\_\_\_\_сон қарорига

1 илова

2021 йил учун бозорлар ва савдо комплекслари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳамда инфратузилмадан фойдаланганлик учун тўланадиган йиғимлар миқдорлари

т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2021 йил		
			Қарши ш Шахрисабз ш.	Ғузор, Қамаши, Қарши, Косон, Китоб, Чирокчи, Шахрисабз, Яккабоғ туманлари	Дехқонобод, Касби, Нишон, Миришкор, Муборак туманлари
1.	Маҳсулотларни савдо ўринларида сотиш: Мевалар:	-			
1.1.	Хўл мевалар: олма, анор, нок, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, кўк ва қизил султон, ўрик, узум, олча, қулупнай, малина, апельсин, мандарин, лимон, банан, ананас, киви ва ҳ.к.) ҳамда чет элдан келтирилган бошқа хўл мевалар.	1 ўрин/кунга	9 000	8 000	7 000
	Қуруқ мевалар: туршак, баргак, майиз, ёнғоқ, ерёнғоқ, бодом, писталар, шўр данак ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	11 000	10 000	9 000
	Сабзавотлар:				
1.2.	картошка, пиёз, карам, сабзи, саримсоқ, лавлаги, шолғом, булғор қалампири, бақлажон, бойимжон, патиссон, помидор, бодринг (шу жумладан, иссиқхоналарда етиштирилган помидор ва бодринг ва ҳ.к. ҳамда пиширилган жўхори	1 ўрин/кунга	7 000	5 000	4 000
1.3.	Полиз маҳсулотлари: хандалак, қовун, тарвуз, қовоқ (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	10 000	9 000	8 000
1.4.	Дон маҳсулотлари: гуруч, кунгабоқар, ёрмалар (крупa), буғдой, сули, арпа ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	10 000	9 000	7 000
1.5.	Дуккакли маҳсулотлар: мош, ловия, нўхат ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	10 000	9 000	8 000
1.6.	Сут маҳсулотлари: сут, қатик, қаймоқ, сметана, уй пишлоғи, сузма ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	6 000	5 000	4 000
1.7.	Тузламалар: карам, бодринг, помидор ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	10 000	7 000	6 000
1.8.	Зировар ва дориворлар (зира, мурч, қалампир, ва ҳ.к)	1 машина	6 000	5 000	4 000

1.9 Кўчатлар (шу жумладан, иссиқхоналарда етиштирилганлар)	1 ўрин/кунга	7 000	6 000	5 000
1.10.Тухум	1 ўрин/кунга	7 000	6 000	5 000
1.11.Гуллар ва кўчатлар	1 ўрин/кунга	5 000	3 000	3 000
1.12.Нон маҳсулотлари: (оби нон, патир ва ҳ.к.)	1 ўрин/кунга	5 000	4 000	4 000
1.13. Уйда тайёрланган консерваланган маҳсулотлар, пазандалик маҳсулотлари ва уй шаронтида тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари	1 ўрин/кунга	9 000	8 000	7 000
1.14.Саноат йўли билан чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва салқин ичимликлар	1 ўрин/кунга	12 000	10 000	9 000
1.15.Миллий таомлар	1 ўрин/кунга	14 000	12 000	10 000
1.16.Полиэтилен ва қоғоз пакетлар, саватлар ва посылка қутилар	1 ўрин/кунга	9 000	7 000	5 000
1.17.Супурги	1 ўрин/кунга	8 000	6 000	5 000
1.18.Тирик балиқ	1 ўрин/кунга	14 000	13 000	12 000
1.19.Халқ ижодкорлиги, халқ ҳунармандчилиги ва касибчилик товарлари	1 ўрин/кунга	5 000	4 000	4 000
2. Гўшт маҳсулотлари: мол, қуй, чучка ва бошқа ҳайвонлар гуштлари, думба, жигар	1 ўрин/кунга	18 000	15 000	14 000
3. Маҳсулотларини автомашиналардан сотиш:				
енгил автомашиналардан	1 машина	11 000	10 000	9 000
юк автомашиналардан	1 машина	20 000	16 000	15 000
тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан	1 машина	12 000	11 000	10 000
маҳсулотларни ердан сотиш (савдо расталаридан ташқарида, маҳсус ажратилган жойларда)(6 кв.метр гача)	1 ўрин/кунга	10 000	9 000	8 000
4. Уй ҳайвонлари учун ем-озуқалар (ҳар бир тиркама ёки юк автомашинаси учун): шрот, шелуха, комбикорма, пичан, сомон, гуруч пояси ва маккажўхори пояси ва ҳ.к.	1 машина	25 000	22 000	21 000
5. Қурилиш материалларини сотиш:				
5.1. Бозорлар ва савдо комплекслари томонидан маҳсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш:	1 кв.м/ойида	19 000	18 000	17 000
5.2. Кичик ўлчамдаги қурилиш материаллари (майда ўлчамли), сантехника, ёритиш ускуналарини (люстра, светильниклар ва ҳ.к.) сотиш (6 кв.метр гача)	1 ўрин/кунга	8 000	6 000	5 000
6. Илгари фойдаланишда бўлган буюмлар ва эҳтиёт қисмларни сотиш:	1 ўрин/кунга			

Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар	1 ўрин/кунга	12 000	10 000	9 000
<b>Уй-жиҳоз буюмлари ва кийим-кечаклар</b>	1 ўрин/кунга	6 000	6 000	6 000
7. Автотранспорт воситаларини сотиш: енгил автомашиналар ва микроавтобуслар	1 дона	50 000	35 000	30 000
<b>юк автомашиналари, автобуслар, тракторлар ва бошқа юк қўтарувчи транспорт воситалари</b>	1 дона	50 000	35 000	30 000
мотоцикл, мотореллер ва мопедлар	1 дона	13 000	11 000	10 000
велосипедлар	1 дона	6 000	5 000	4 000
8. Мол бозорларига олиб кириладиган ҳар бир чорва моллари учун				
8.1. От, той, туя	1 бош	25 000	25 000	20 000
<b>бўғалоқ, эшак</b>	1 бош	13 000	9 000	8 000
8.2. <b>Йирик шохли қорамол</b>				
йирик шохли қорамол (шу жумладан, сигир бузоғи билан)	1 бош	23 000	23 000	21 000
<b>бузоқ</b>	1 бош	17 000	17 000	15 000
8.3. Майда шохли қорамол:				
қўй, эчки (қўй қўзиси билан, эчки улоғи билан ва ҳ.к.)	1 бош	16 000	16 000	13 000
<b>қўзи, улоқ</b>	1 бош	13 000	13 000	11 000
8.4. Чўчқалар ва чўчка болалари	1 бош	6 000	5 000	5 000
9. Уй паррандалари (ҳар бир бош учун): курка,товуқ, ўрдак, ғоз	1 бош	1 000	1 000	1 000
<b>товуқ, курка, ўрдак, ғоз жўжалари</b>	10 бош	2 000	2 000	1 000
10. <b>Итлар ва мушуклар</b>	1 ўрин/кунга	3 000	3 000	2 000
11. Манзарали қушлар ва балиқлар	1 ўрин/кунга	5 000	4 000	3 000
12. <b>Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар учун озуқалар ҳамда тегишли аксессуарлар ва буюмлар</b>	1 ўрин/кунга	5 000	4 000	3 000
13. <b>Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар, шунингдек уларнинг озуқалари ва тегишли аксессуарлар ва буюмлар, бир жойда</b>	1 ўрин/кунга	8 000	7 000	6 000
14. <b>Пойабзал таъмирлаш хизмати</b>	1 ўрин/кунга	4 000	4 000	3 000
15. <b>Нос сотганлик учун</b>	1 ўрин/кунга	5 000	5 000	4 000

## Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2021 йил

\_\_\_\_\_сон

қарорига 2 илова

2021 йил учун бозорлар ва савдо комплекслари томонидан кўрсатиладиган хизматлар, бино-иншоотлар ва бошқа мол-мулкларни ижарага бериш ҳамда инфратузилмадан фойдаланганлик учун тўланадиган йиғим(ижара тўловлари) миқдорлари

т/р	Кўрсатиладиган хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	2021 йил		
			Қарши ш Шахрисабз ш.	Ғузор, Қамаши, Қарши, Косон, Китоб, Чироқчи, Яккабоғ туманлари	Дехқонобод, Касби, Нишон, Миришкор, Муборак туманлари
1.	<b>Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўлови:</b>				
1.1	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м./ойига	33 000	22 000	20 000
1.2.	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш 2 ва ундан юқори қаватлар учун	1 кв.м./ойига	33 000	22 000	20 000
1.3	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м./ойига	30 000	20 000	18 000
1.4.	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш 2 ва ундан юқори қаватлар учун	1 кв.м./ойига	15 000	10 000	8 000
1.5	Умумий овқатланиш	1 кв.м./ойига	32 000	21 000	19 000
1.6.	Умумий овқатланиш 2 ва ундан юқори қаватлар учун	1 кв.м./ойига	16 000	11 000	10 000
1.7	Маиший хизмат кўрсатиш	1 кв.м./ойига	15 000	10 000	7 000
1.8.	Маиший хизмат кўрсатиш 2 ва ундан юқори қаватлар учун	1 кв.м./ойига	8 000	6 000	5 000
1.9	Бошқа турлар (омбор, офис, дорихона, пайнет ва ҳ.к)	1 кв.м./ойига	17 000	11 000	9 000
1.10.	Бошқа турлар (омбор, офис, дорихона, пайнет ва ҳ.к) 2 ва ундан юқори қаватлар учун	1 кв.м./ойига	9 000	5 000	4 000
2	<b>Инвентарларни ижарага бериш:</b>				
2.1.	<b>Тош-тарозилар учун</b>	1 кунга	4 000	3 000	2 000
2.2.	<b>Катта юк тортиш тарозилари учун</b>				
	150 кг.гача тортадиган	1 кунга	4 000	3 000	2 000
	150 кг.дан 1500 кг.гача тортадиган	1 кунга	12 000	10 000	8 000

Савдо жиҳозлари учун (болта, тахтакач, пичок, ўриндиқ, воронка, патнис, сават ва ҳ.к.) (бутун тўплам учун, бунда тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	3 000	2 000	1 000
Махсус уст-бош кийимлар учун (халат, этак, энглик) (бутун тўплам учун, бунда тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)		2 000	1 500	1 000
Маҳсулотлар учун брезент бериш	1 кунга	4 000	3 000	2 000
Аравачалар учун	1 кунга	5 000	4 000	3 000
Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланганлиги учун (1 кв.метр)	1 кунга	3 000	3 000	2 000
Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланганлиги учун автоэҳтиёт қисмларини сотиш (1 кв.метр)	1 ойда	15 000	10 000	5 000
<b>3 Кўрсатиладиган хизмат турлари:</b>				
<b>3.1. Қишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ -овқат маҳсулотларини сақлаш:</b>				
совутгичларда (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун)	1 кунга	3 000	3 000	2 000
омборхоналарда, сақлаш камераларида (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун)	1 кунга	3 000	3 000	2 000
бозор худудидаги расаталарда ва очик жойларда (савдо ўрни ҳисобидан)	1 кунга	3 000	3 000	2 000
3.2. Буюмларни омборларда сақлаш (бир 50x50x100 ўлчамдаги жой учун)	1 кунга	3 000	2 000	2 000
<b>3.3. Маҳсулотларни тарозида тортиш:</b>				
катта юк тарозида	1 марта тортиш	2 500	2 000	1 000
йирик ва майда шохли қорамолни тортиш	1 марта тортиш	2 500	2 000	1 000
<b>3.4. Автотарозилардан фойдаланиш:</b>				
<b>юк кўтариш қуввати 5 тоннадан ортиқ бўлган тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан:</b>				
юк билан	1 марта ўлчаш	7 000	5 000	4 000
юксиз	1 марта ўлчаш	6 000	4 000	3 000
<b>юк кўтариш қуввати 5 тоннагача бўлган тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналаридан:</b>				
юк билан	1 марта ўлчаш	4 000	3 000	2 000
юксиз	1 марта ўлчаш	4 000	3 000	2 000
<b>енгил автомашиналардан:</b>				
юк билан	1 марта ўлчаш	4 000	3 000	2 000
юксиз	1 марта ўлчаш	4 000	3 000	2 000
<b>тиркмали енгил автомашиналардан:</b>				
юк билан	1 марта ўлчаш	4 000	3 000	2 000
юксиз	1 марта ўлчаш	4 000	3 000	2 000
3.5. Меҳмонхона хизматидан фойдаланиш (1 та жой учун)	1 кунга	9 000	8 000	6 000
<b>3.6. Автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш учун:</b>				

	енгил автомашиналар учун	1 соатга	3 000	2 000	1 000
	юк автомашиналари учун	1 соатга	4 000	3 000	2 000
<b>3.7.</b>	<b>Ҳожатхона хизматидан фойдаланиш</b>	1 марта	1 000	1 000	1 000
<b>3.8.</b>	<b>Телефондан фойдаланиш</b>	1 марта	500	500	500
<b>3.9.</b>	<b>Радиоузел орқали эълон бериш</b>	3 марта такрор	2 000	2 000	1 000
	Бозор ва савдо комплекслари балансида бўлмаган, бозор ва савдо комплекслари худудида ва унга туташ ҳолатда жойлашган, бозор ва савдо комплекслари худуди орқали кириб чиқиш имкониятига эга бўлган нотурар объектлар эгалари томонидан бозор ва савдо комплекслари инфраструктураси (асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлақлар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер ости ва ер усти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий худудни кўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш, ташқи муҳандислик-коммуникация иншоотлари)дан фойдаланилганлик учун йиғим. <b>(Бозор худудида нон ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилмайди.)</b>	1 кв.м./ойига	10 000	7 000	5 000
	Бозор ва савдо комплекслари балансида бўлмаган, бозор ва савдо комплекслари худудида ва унга туташ ҳолатда жойлашган, бозор ва савдо комплекслари худуди орқали кириб чиқиш имкониятига эга бўлган 2 ва ундан юқори қаватлар учун нотурар объектлар эгалари томонидан фойдаланилганда бозор ва савдо комплекслари инфраструктураси (асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлақлар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер ости ва ер усти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий худудни кўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш, ташқи муҳандислик-коммуникация иншоотлари)дан фойдаланилганлик учун йиғим. <b>(Бозор худудида нон ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларга татбиқ этилмайди.) (Мулкдорга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган қўп қавтли нотурар объектларнинг 1 ва қолган қаватларидан мулкдорнинг ўзи томонидан тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида фойдаланилганида юқоридаги қавтлар учун тўлов ундиримайди, объектни ижарага бериш бундан мустасно.)</b>	1 кв.м./ойига	5 000	3 000	2 000
<b>3.11.</b>					